

махсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» нефт махсулотларини кабул қилишдан бош тортиши, «Таъминотчи»дан талаб даражасида булмаган нефт махсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар махсулот қиймати туланган булса, белгиланган тартибда туланган маблағни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида булмаган нефт махсулотлари етказиб берилганлиги учун жаримадан акцепсиз тартибда ундирилади.

6.3. шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефт махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортишнинг учун «Истеъмолчи» «Таъминотчи» га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

Нефт махсулотлари тулик олинмаган тақдирда «Таъминотчи» жарима ундирилишидан ташқари, тулик олинмаган махсулот қийматининг тулашни талаб қилишга ҳақли, бунда у мазкур махсулотнинг борлигига қафолат бериши лозим.

6.4. Тулов шартномасини асоссиз равишда тулик ёки қисман рад этганлик учун «Истеъмолчи» «Таъминотчи» га рад этилган қийматнинг 15 фоизи миқдорида жарима тулайди.

Етказиб берилган нефт махсулоти ҳақини вақтида туламаганлик ва дебиторлик қарзи муддатини кечиктириб юборганлик учун «Истеъмолчи» «Таъминотчи» га утказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоиздан ортиқ булмаган миқдорда пеня тулайди.

6.5. «Истеъмолчи» олинган нефт махсулотларини ташқарига сотмаслик мажбуриятини олади ва олинган нефт махсулотларини уз эҳтиёжи учун ишлатади.

6.6. «Истеъмолчи» олинган нефт махсулотлари ҳисобидан 40 фоизи миқдорида ишлатилган мой махсулотларини «Таъминотчи» га топшириш мажбуриятини олади.

6.7. Ушбу шартномада бирор бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгар белгиланган булса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Агар шартнома тузилгандан сунг иккала томон уз мажбуриятларини гайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, «Ўзнефтникайтилаш» АҚ нинг, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАТИК нинг айби билан ёки махсулот етказиб бериш ҳажми ва муддати юқори ташкилотлар томонидан узгартирилиши муносабати билан бузилса, ҳеч қайси томон тула ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

8. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Қушимча шартлар _____

9. МОЖАРОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ВА ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар ёзма равишда булиб, ҳар иккала томон имзолангандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг узаро музокараси йули билан хал этилади. Иккала томон мустақил хал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда хужалик судларида хал этилади.